

Ўзбек адабиётининг атокли намояндаларидан бири, забардаст драматург, адабий файласуф Максуд Маъсум ўғли Шайхзода 1908 йили Озарбайжоннинг Оқдош шахрида таваллуд топди. Бошлангич маълумотни Оқдошда олгач, янги совет мактабида ўкишни давом эттирди. 1925 йилдан муаллимлик килган Шайхзода Боку Олий педагогика институтини сиртдан ўкиб битирди.

У 1928 йилда Тошкентга келиб, турли рўзнома ва ойномалар мухарририятларида, 1935—1938 йилларда эса Ўзбекистон ССР Фанлар Комитети кошидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, 1938 йилдан Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ўзбек классик адабиёти кафедрасига раҳбарлик килди, юкори малакали кадрлар тайёрлади.

Шоирнинг адабий фаолияти 1929 йилдан бошланди. Унинг «Ўн шеър» (1932), «Уndoшларим» (1933), «Учинчи китоб» (1934), «Жумхурият» (1935) тўпламларининг нашр этилиши адабиётга ўзига хос овозли шоир кириб келаётганидан дарак берди.

Улуг Ватан уруши йилларида шоир бутун ижодий кувватини, калб хароратини душман устидан галаба козонишга сафарбар этди. Урушнинг биринчи кунлариданок жанг қаҳрамонларпни улугловчи, фронт оркасидаги кишиларининг фидокорона меҳнатини ифодаловчи «Кураш нечун» (1941). «Жанг ва кўшик» (1942), «Капитан Гастелло (1941), «Кўнгил дейдик» каби шеърий тўпламлари, «Жалолиддин Мангуберди» (1944) тарихий драма ва бошка катор публицистик асарларини яратди.

Урушдан кейниги тинч курилиш йилларида Ватанимиз бўйлаб кенг кулоч ёзган зафарли меҳнат, тинчлик учун кураш шоирнинг «Ўн беш йилнинг дафтари», «Олкишларим», «Замон торлари», «Шуъла», «Чорак девони» каби шеърий тўпламлари учун асосий мавзу бўлди.

1958 йили адибнинг кўхна ва айни чогда навкирон Тошкент шахрига багишлиланган, унинг тарихи, ўтмишидаги маданият ва халкаро алоказарини тасвирловчи «Тошкентнома» лирик достони яратилди. Хассос шоир 1960 йилда ёзган «Мирзо Улугбек» трагедияси билан истеъододли драматург сифатида танилди. У буюк инсон — Улугбек образи оркали ўзбек драматургиясида фожеа жанрининг классик намунасини яратди.

Шайхзода Пушкиннинг «Мис чавандоз», Лермонтовнинг «Кавказ асири», Маяковскийнинг «Жуда соз» поемалари ва кўплаб шеърларини, Шекспирнинг «Хамлет» ва «Ромео ва Жулетта» трагедияларини ва сонетларини, Нозим Хикматнинг шеърларини, озарбайжон шоирлари асарларини ўзбек тилига агдарди. Шайхзоданинг ўзбек адабиёти тарихи, ўзбек халк оғзаки ижодиёти, хусусан Алишер Навоий ижодини тадқик этиш борасида яратган илмий ишлари хам таҳсинга сазовордир. У филология фанлари номзоди, дотсент хам эди.

Шайхзода асарлари кардош халклар ва хорижий тилларга таржима килинган. Шоир таржима жараёнида кардош халклар ва жаҳон адабиёти классикларининг маҳорат мактабидан таълим олди, илгор анъаналарини ўзида мужассамлаштирган шеърлар ёзди.

Шоирнинг адабиёт соҳасидаги хизматлари шўро хукумати томонидан тақдирланган. Ўзбек адабиётининг трибун шоирларидан Максуд Шайхзода фалсафий фикрларга бой хикматомуз асарлари билан халкимиз калбида абадий яшайди. У бир кам олтмиш йил умр кўрди. 1967 йилда оламдан ўтди.

